



ON THE ISSUES OF INCREASING THE EFFICIENCY OF PARLIAMENTARY CONTROL OVER THE EXECUTIVE AUTHORITY IN UZBEKISTAN (DEPUTY INQUIRY)

Shavkatjon Boykhanov

Head of the Department of the General Staff of the Armed Forces Republic of Uzbekistan, lieutenant colonel, Independent researcher

*Academy of Public Administration of the Republic of Uzbekistan
Uzbekistan, Tashkent*

ABOUT ARTICLE

Key words: Parliament, political processes, senator (deputation) request, information and telecommunication technologies, petitions, election (voting), virtual activity, e-government, e-court, e-parliament, e-referendum, digital democracy.

Received: 04.03.25

Accepted: 06.04.25

Published: 08.04.25

Abstract: The article talks about the modern methods of communication of the parliament and its members with the citizens, mechanisms of effective functioning of the senators (deputies), analysis of the experiences of foreign countries in development, and suggestions and explanations for their application in our country.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖРО ҲОКИМИЯТИ УСТИДАН ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ (ДЕПУТАТЛИК СЎРОВИ) САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИГА ОИД

Шавкатжон Бойхонов

ЎР ҚҚ Бош штаби бошқарма бошлиғи, подполковник, мустақил изланувчи

Ўзбекистон Республикаси Давлат бошқарув Академияси

Ўзбекистон, Тошкент

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Парламент, сиёсий жараёнлар, сенатор (депутат) сўрови, ахборот-телекоммуникация технологиялари, мурожаатлар, сайлов (овоз бериш), виртуал фаоллик, электрон ҳукумат, электрон суд, электрон парламент, электрон референдум, рақамли демократия.

Аннотация: Мақолада соҳадаги парламент ва унинг аъзоларини фуқоролар билан мулоқотнинг замонавий усуллари, сенатор(депутат)ларнинг самарали фаолият юритиш механизмлари, ривожлантириш бўйича чет давлатларнинг тажрибаларини таҳлили ва мамлакатимизга тадбиқ этиш бўйича таклиф ва тафсиялар тўғрисида сўз юритилган.

ПО ВОПРОСАМ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПАРЛАМЕНТСКОГО КОНТРОЛЯ (ДЕПУТАТСКИЙ ЗАПРОС) НАД ИСПОЛНИТЕЛЬНОЙ ВЛАСТЬЮ В УЗБЕКИСТАНЕ

Шавкатжон Бойхонов

Начальник управления Генерального штаба Вооружённых сил Республики Узбекистан, подполковник, Самостоятельный соискатель

*Академии государственного управления Республики Узбекистан
Узбекистан, Ташкент*

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Парламент, политические процессы, запрос сенатора (депутации), информационные и телекоммуникационные технологии, обращения, выборы (голосование), виртуальная деятельность, электронное правительство, электронный суд, электронный парламент, электронный референдум, цифровая демократия.	Аннотация: В статье говорится о современных методах общения парламента и его членов с гражданами на местах, механизмах эффективного функционирования сенаторов (депутатов), анализе опыта зарубежных стран в плане развития, а также предложениях и пояснениях по их внедрению в нашей стране.
---	--

КИРИШ

Бугунги кундаги демократик ислохотлар парламентнинг давлат сиёсий ҳаётида тутган ўрнини янада мустаҳкамлаш ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида унинг аҳамиятини оширишга қаратилган. Хусусан, мамлакат Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Ҳозирги кунда – Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида олдимизда ўта долзарб ва мураккаб вазифалар турибди. Уларни муваффақиятли ҳал этиш учун, аввало, қонун ижодкорлиги соҳасида ишни бутунлай янгича ташкил этишимизва самарали парламент назоратини амалга ошириш керак”. [1]

Шу сабабли ҳам парламентнинг давлат сиёсий ҳаётидаги мавқеи ва таъсирини, ҳокимиятлар бўлиниши тизимида тутган ўрнини ўрганиб, таҳлил этиш муҳимдир. Қайд этиш лозимки, сиёсий хавфсизлик ҳокимият институтларининг барқарорлиги ва самарадорлиги, ҳокимият тузилмаларининг сиёсий жараёнларни назорат қилиш қобилияти ҳисобланади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Айтиш жоизки, бугунги кунда парламент мамлакатнинг қонун чиқарувчи олий вакиллик органини ифодаловчи атама сифатида дунёнинг аксар давлатлари томонидан қонунчиликда қабул қилинган ёки амалиётда қўлланилади. Ҳокимиятлар бўлиниши ва парламентаризм ўзаро алоқадор ҳамда боғлиқ ҳукуқий ҳодиса ҳисобланади.

Қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ўрни ва роли тўғридан-тўғри у ёки бу давлатда ҳокимиятлар бўлиниши принципининг фактик жиҳатдан амалга оширилганига боғлиқдир. Давлат ўз мустақиллиги, ҳудудий яхлитлиги ва хавфсизлигини таъминламай туриб

стратегик мақсадларига эриша олмайди, иқтисодий, ижтимоий, экологик ва бошқа вазифаларни бажара олмайди.

Шу ўринда парламентнинг исталган бир мамлакатнинг сиёсий хавфсизлигини таъминлашдаги ўрни фавқулудда муҳим. Чунки парламент тўғридан-тўғри сиёсий муносабатларнинг асосий субъекти ҳисобланиб, бошқа субъектларнинг фаолиятини тийиб туриш вазифасини бажаради.

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Дунёда барча ҳуқуқий демократик давлатлар томонидан ҳокимиятлар бўлиниши принципи давлат ҳокимиятини ташкил қилишнинг асосий принципи сифатида эътироф этилиб, парламент ва ҳукумат ўртасидаги ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини сақлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. БМТнинг жаҳон мамлакатларида демократик бошқарувни қўллаб-қувватлашга қаратилган фаолиятининг асосий йўналишларидан бири “миллий парламентларга ҳокимиятлар бўлиниши ва назорат тизимини такомиллаштиришда кўмаклашиш”[2] ҳисобланади, шунингдек, 2030 йилгача эришилиши лозим бўлган барқарор ривожланиш мақсадларини бажаришнинг асосий ташаббускори – парламент ҳамда ижроқисми – ҳукуматдир. Айниқса, дунёда рўй бераётган рангли инқилоблар, дунё тартиботининг ўзгариш вақтида жамиятда тўпланиб қолган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўз вақтида ва самарали ҳал қилишда парламент, ҳукумат ҳамда жамият ўртасидаги ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини сақлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда парламентаризм конституциявий амалиётининг ривожланиши натижасида ҳукуматни шакллантириш, унда парламентнинг иштирокини кучайтириш, парламент назоратининг янги шакл ва услубларини ишлаб чиқиш орқали ҳукумат фаолияти устидан самарали назоратни ўрнатиш, парламент олдида ҳукуматнинг жавобгарлиги ортиб бориши билан парламент ва ҳукумат муносабатларининг ҳуқуқий табиати ўзгариши, бу жараёнларга «ақлли бошқарув» концепцияларини жорий қилиш масалаларига муҳим илмий-амалий аҳамият касб этадиган тадқиқот йўналиши сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикаимизда давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини ривожлантириш, ҳукуматни шакллантириш жараёнида парламент иштирокини кучайтириш, Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида жавобгарлигини ошириш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. “Давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг ролини ошириш, унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатига оид муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини

амалга ошириш бўйича ваколатларини янада кенгайтириш” масалалари устувор вазифа этиб белгиланган бўлиб, мазкур вазифаларни ҳал қилиш ушбу соҳадаги қонунчиликни халқаро стандартларга мослаштиришни долзарб этиб белгиламоқда. [3]

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги (2002), “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги (2002), “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги (2007) Конституциявий Қонунлар, “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги (2019), “Парламент назорати тўғрисида”ги (2016) Қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили лавозимини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-3294-сон Қарори (2017) ва мазкур соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросига ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Бундан ташқари, мамлакатда қонун устуворлигини ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш йўлида барча соҳалардаги ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини яратиш фаолияти айнан фақатгина парламентга тегишлидир.

Шунингдек, давлат ҳокимияти тизимида парламентнинг ҳуқуқий мақоми унинг функция ва ваколатлари, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини белгилаш ҳамда назорат қилишда парламентнинг иштироки билан белгиланади. Ҳукумат ижро ҳокимиятининг олий органи сифатида қонунлар ижросини таъминлаб, давлат ишларини бошқаради, қонуности ҳужжатларини қабул қилади ҳамда бюджет, ташқи сиёсат масалалари, жамиятда тартибни сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби муҳим вазифаларни амалга оширади.

Парламент ва ижро ҳокимияти ўртасидаги муносабатлар – ҳокимиятлар бўлиниши принципида вужудга келувчи, ўзаро чекловлар ва мувозанат тизими ҳамда назорат тамойилларига асосланган, давлатнинг мақсад ва вазифаларини бажаришга қаратилган, мамлакат ҳаётидаги энг муҳим муносабатларни тартибга солувчи доимий ташкилий-ҳуқуқий воситалар йиғиндисидир. Изланувчи томонидан парламент ва ҳукумат ўртасидаги муносабатларнинг замонавий моделлари ҳокимиятлар бўлиниши принципи ҳамда ўзаро мувозанат ва бир-бирини тийиб туриш тамойилига қараб президентлик, парламентар ва аралаш турларга ажратилади.

Парламент ва ижро ҳокимиятининг ўзаро муносабатлари механизми қуйидаги йўналишларни ташкил этувчи ҳуқуқий нормалар орқали амалга оширилади:

1) ҳукуматни шакллантириш жараёнида парламентнинг иштироки;

2) *ижро ҳокимияти фаолияти устидан **парламент назоратини** амалга ошириш механизмлари;*

3) *парламент олдидан ҳукумат ва бошқа бошқарув органларининг сиёсий жавобгарлиги;*

4) *қонун ижодкорлиги жараёнида парламент ва ҳукумат ҳамкорлиги.*

Асосий тушунчалар ва парламента назорати шакллари, функцилари ҳамда вазифалари.

Парламент назорати– давлат назоратининг бир шакли бўлиб, кўпроқ сиёсий характерга эга. Парламент назоратининг таъсир кучи Президентлик ва парламентар республикаларда ҳар хил бўлади. Парламент назорати ҳукумат ва бошқа органларнинг ҳисоботлари, ахборотини эшитиш, маълум масалани ўрганиш юзасидан махсус комиссиялар тузиш ҳамда ўзининг органлари, депутатлари, қўмита ва комиссиялари фаолияти орқали ташкил қилинади.

Парламент сўрови– парламентар давлатларда ҳукумат фаолияти устидан парламент назоратининг шаклларида бири. П.с. саволларини депутатлар оғзаки ва ёзма беришлари мумкин. Парламент регламентида парламент мажлисларида саволлар берилиши мумкин бўлган қоидаларни киритиш тартибини, шунингдек саволларга ҳукумат ёки алоҳида вазир жавоби тақдим этиши лозим бўлган муддатларни белгилайди. Умумий қоидага кўра, парламент саволлари қандай шаклларда (оғзаки ёки ёзма) берилган бўлса, шундай шаклда қайтарилади.

Парламент эшитишлари– парламент аъзолари, давлат ва жамоат арбоблари, экспертларни маълум бир қонун лойиҳалари бўйича эшитиш фаолиятидир. Парламент ёки парламент палаталари (кўпинча, алоҳида-алоҳида) ўтказадиган бирон-бир давлатнинг жамоат муаммосининг ошқора муҳокамаси, парламент, палатага тегишли қонун лойиҳаси тақдим этилганида ёки у кўриб чиқиш жараёнида шу шаклга кирилади. Одатда, муҳокама охирида П.э.нинг тавсиялари қабул қилинади.[4]

Парламент назорати деганда парламентнинг қонун чиқарувчи орган сифатида ижро этувчи ҳокимият, биринчи ўринда ҳукумат фаолияти устидан назорат тушунилади.

Парламент назорати субъектлари қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати;
- Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қўмиталари, комиссиялари;
- Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари;
- Қонунчилик палатаси депутатлари;
- Сенат аъзолари;

– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман).

Парламент назорати шакллари қуйидагилардан иборат:

– Давлат бюджети ижросининг боришини кўриб чиқиш;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг (бундан буён матнда Вазирлар Маҳкамаси деб юритилади) мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан ҳар йилги маърузасини кўриб чиқиш;

– Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасидан келиб чиқадиган, тегишли йилга мўлжалланган давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқиш;

– Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг (бундан буён матнда Бош вазир деб юритилади) мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг айрим долзарб масалалари юзасидан ҳисоботини эшитиш;

– Қонунчилик палатаси, Сенат мажлисларида ҳукумат аъзоларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиш;

– Қонунчилик палатаси мажлисларида ҳукумат аъзоларининг Қонунчилик палатаси депутатлари саволларига жавобларини эшитиш;

– Сенат мажлисларида вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимларининг тегишли ҳудудни ривожлантириш масалалари юзасидан ҳисоботларини эшитиш;

– Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг (бундан буён матнда Ҳисоб палатаси деб юритилади) ҳисоботини эшитиш;

– Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ҳисоботини эшитиш;

– Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг ҳисоботини эшитиш;

– парламент сўрови;

– Қонунчилик палатаси депутатининг, Сенат аъзосининг сўрови;

– Қонунчилик палатаси, Сенат қўмиталари томонидан давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш;

– қонун ҳужжатларининг ижроси ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қўмиталари томонидан ўрганиш ва қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши юзасидан улар томонидан мониторингни амалга ошириш;

– парламент текшируви.

Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи ҳокимият ва Ҳукумат фаолиятининг ҳуқуқий асослари шаклланиши тарихий, конституциявий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил

килиниб, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамаси муносабатлари ривожланиши тўрт босқичга бўлиб ўрганиш мумкин:

I босқич– (1990-2002 й.) парламент ва Ҳукуматнинг ҳуқуқий мақоми, уларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солишчи асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлиги билан боғлиқ.

II босқич– (2002-2010 й.) икки палатали парламентнинг шаклланиши, Вазирлар Маҳкамаси алоҳида ҳокимият тармоғига айланиб, Бош вазир ваколатларининг кенгайиши, ҳукуматни шакллантиришда сиёсий партияларнинг роли ошганлигини кўрсатади.

III босқич– (2010-2016 й.)да ҳукуматни шакллантириш тартиби янада демократиклаштирилганлиги ҳамда парламент назорати шаклларида фойдаланиш, ҳукуматнинг парламент олдида жавобгарлиги (ишончсизлик вотуми) кучайтирилганлиги билан изоҳланади.

IV босқич– (2016 йилдан ҳозирги кунга қадар) парламент назоратига бағишланган қоидалар махсус қонун ҳужжатларида тартибга солинганлиги ҳамда ҳукумат таркибини шакллантиришда Қонунчилик палатасининг роли кучайганлиги билан характерланади. Диссертантнинг фикрича, мамлакатимизда парламентаризмнинг шаклланиш жараёни тугалланмаганлиги туфайли Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамаси муносабатлари босқичма-босқич ривожланишда давом этмоқда.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни такидлаш лозимки, Давлатчилик шаклига эга ҳар қандай субъект, ҳокимияти тизимида Қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ўзаро муносабатларининг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш давлат ва жамият ўртасидаги ижобий муносабатларнинг шаклланишига хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси меърий ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами./ Электрон ҳукуматни шакллантириш концепция – Т.: Ўзбекистон, 2020. – Б. 26-29.
2. Хакимов Р. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми. – Тошкент: Ўқув қўлланма ТДЮУ, 2020. – 100 б.
3. Mirakulov M. Problems of parliamentary control and implementation mechanisms in Uzbekistan.<https://cyberleninka.ru/article/n/problems-of-parliamentary-control-and-implementation-mechanisms-in-uzbekistan>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.